





«ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» — БИЗНИНГ ГАЗЕТАМИЗ!»

Наманган вилоятида бўлиб ўтган «Қишлоқ ҳаёти» газетаси кунларида ана шу сўзлар бот-бот такрорланиб турди

Газетамиз кунлари Наманган туманидан бошланди. Вилоят номи билан аталувчи гуллар шаҳри Наманганнинг эн атрафида шох...

пакургон, Шамсикул, Қумқургон, Ровустон, каби қишлоқларда барча шарт-шароитларга эга гузарлар қад...

Шарифжон Исоқов бригадаси томон борарканмиз, мезонларимиз бизга ана шулар ҳақида гапириб беришди.

«Қишлоқ ҳаёти» — бу бизнинг газетамиз, — деди хайрлашавганимизда туман ҳокими, — биз бу газетга...

жаҳон андозалари даражасида иш газламалар ишлаб чиқариши. Энг муҳими, икки минг қишлоқ ёшларини...

ЭТИРОФ

залирини билдирдилар. Туман ҳокими Рустамжон Исмаилов ва ҳужалик раисаси Фаридмахон Аҳмедовларнинг...

бу ерда уртача ойлик 22-23 минг сум. Ундандан кўп оладиганлар ҳам оз эмас. Хар байрамда ҳаммага совга-салом улашилади.

«Қишлоқ ҳаёти» газетаси кунлари тумандаги энг илгор «Ғайрат» жамоа ҳужалигининг...

«ФАРОВОН» ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Дунёда ҳимматли инсонлар жуда кўп. Туй-хашам, илғирларда фалончи баракка топсин, йурли тузатиб берди...

дашга каттагина ердан қурсатишди. Қишлоқ шифокорлик пунктига замонавий ускуналар олиб беришди.

бу ерда уртача ойлик 22-23 минг сум. Ундандан кўп оладиганлар ҳам оз эмас. Хар байрамда ҳаммага совга-салом улашилади.

«Қишлоқ ҳаёти» газетаси кунлари тумандаги энг илгор «Ғайрат» жамоа ҳужалигининг...



Паркент туманидаги «Гулбоғ» жамоа ҳужалигининг Мирали Гуломов бошлиқ бригадаси далолида жорий йилда дурустгина картошка ештирилди.

ЯХШИ ХАБАРЛАР ТАДБИРКОР АЁЛ Собидахон Қудратовани ҳеч иккиланмай ана шундай аташ мумкин. Зотан у, уз ҳисобидан аҳолига маиший хизмат қурсатиш корхонасини ишга туширди.

БИРИ-БИРИДАН ШИРИН Туман ҳудудидан утадиган «Тошкент-Уш» катта магистралнинг чеккаларига эллиқдан ортиқ ошқона ва чойхоналар йўловчиларга хизмат қурсатмоқда.

КЕЛГУСИ ҲОСИЛ ТАРАДУДИ Денов тумани галлакорлари келгуси йил мул ҳосили тарадудини бошлаб юборди. Минерал ва маҳаллий ўғит солиниб, дон экишга мослаб шудгорланган 10 минг гектардан кўпроқ ерга баракка уруги қадалмоқда.

НЬЮ-ЙОРК. АКШ маъмурияти вакиллари маълум қилишчи, Мисрага қарши «Боинг-767» самолётининг ҳалокати сабабларини текшириш...

«Қишлоқ ҳаёти» газетаси кунлари тумандаги энг илгор «Ғайрат» жамоа ҳужалигининг...

ЯХШИ ХАБАРЛАР ТАДБИРКОР АЁЛ Собидахон Қудратовани ҳеч иккиланмай ана шундай аташ мумкин. Зотан у, уз ҳисобидан аҳолига маиший хизмат қурсатиш корхонасини ишга туширди.

БИРИ-БИРИДАН ШИРИН Туман ҳудудидан утадиган «Тошкент-Уш» катта магистралнинг чеккаларига эллиқдан ортиқ ошқона ва чойхоналар йўловчиларга хизмат қурсатмоқда.

КЕЛГУСИ ҲОСИЛ ТАРАДУДИ Денов тумани галлакорлари келгуси йил мул ҳосили тарадудини бошлаб юборди. Минерал ва маҳаллий ўғит солиниб, дон экишга мослаб шудгорланган 10 минг гектардан кўпроқ ерга баракка уруги қадалмоқда.

Table with TV and radio program listings for Dushanba, 22. Includes channels like 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100.

Table with TV and radio program listings for Dushanba, 25. Includes channels like 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100.

Advertisement for 'Yunay Kalonda' (Yunay Kalonda) with a large graphic and text.

Table with TV and radio program listings for Seshanba, 23. Includes channels like 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100.

Table with TV and radio program listings for Seshanba, 23. Includes channels like 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100.

Table with TV and radio program listings for Jumma, 26. Includes channels like 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100.

Table with TV and radio program listings for Chorshanba, 24. Includes channels like 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100.

Table with TV and radio program listings for Yaqshanba, 28. Includes channels like 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100.

(Боши 1-бетда)

Зулфия опа Осие, Африка мамлакатлари ёзувчиларининг бошини бириктириш ишига фаол ҳисса қўшган, бу бирикунинг катта кучга айланиши учун бор кучини аямаган халқаро арбоб эди.

Зулфия опа ўзбек маданияти, ўзбек хотин-қизлари ҳаётида муҳим ўрин тутган «Саодат» журналининг муҳаррири, Парламент аъзоси сифатида узок йиллар давмида халқ ҳаётига бевосита аралашган, уни яхшилаш учун курашиб келган жамоат арбоби эди.

Зулфия опа неча-неча қизнинг қўлидан тутиб, адабиёт даргоҳига бошлаб кирган, уларга йўл-йўрик кўрсатиб турган меҳрибон, беминат, аммо талабчан устоз эди. Опа бу кучни қаердан олган? Жавоби бу:

Ватандош, сен бахтиёрлигим, Сенсиз на куй, на ҳаёт бутун

Ўзининг камтарона эътирофи билан айтганда «Қалам деҳқони» Зулфия опанин ижодий хазинаси — сирли бир хилкат: бу оламнинг чек-чегараси йўқ. Бу оламда адашганда-адашиб кезиб юраверасиз-юраверасиз, аммо чиқиб кетиш ҳаёлингизга ҳам келмайди. Чунки бу оламда шоира она юрти ва жаҳонни кезиб қашф этган дунё ва инсон манзаралари сизни сеҳрлаб қўяди. Ҳа шох бу оламда сизни гўзал Фарғона ва олис Миср, Ҳиндистоннинг афсонавий гўшаларига олиб чиқади, қайноқ давраларга олиб киради, жаҳон маданиятининг улкан арбоблари билан таништиради. Бу оламда сиз гўзаллик, азгулик билан ёвузлик ўртасидаги азалий узвий муносабатни кўрасиз. Амин бўласизки, баҳор, саодат, меҳнат, таянч, орзу, Ватан... бўлмаганида, уларни «одамзод албат ўзи қашф этарди, қашф этгандай бахт».

Зулфия опанин ижодий хазинаси шеърини жаҳонирлардангина иборат эмас. Бу хазинадан таржималар, ҳамюртларимиз сурати чизилган очерклар, сафдош шоирларнинг ижодий кийфасига чизилган, устоз Ҳамид Олимжоннинг ўлмас достони асосида ёзилган «Зайнаб ва Омон» операси либреттоси... Хуллас, таъбингизга нима маъқул бўлса, ўша нарсани топасиз. Табиатиңиз равшанлашсади, аллақандай бир қоникшиш, қаноат туясиз.

Аммо, шунинг ҳам туясизки, сизга бу лаззатни инъом этаётган шоиранинг ўзи беэвта, галати бир таҳликада яшайди:

Ўғирламанг қаламни бир кун, Мени эътибор соқов ва қўлоқ...

Яна шунга амин бўласизки, сизга бу лаззатни инъом этаётган шоира — ҳаётнинг барча иссиқ-совуғини кўрган инсон — қанчалик фожойи, қанчалик машаққатли бўлмасин, кечирган умридан нотамайди, ундан мусулмон фарзандига хос оддий, инсоний хулоса чиқаради:

Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим, Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш: Суйдим, Эркаландим, Айрилдим, Куйдим, Иzzат нима — билдим, Шу-да бир яшаш.

Аслида ҳам инсонга шундан ортиқ нима керак? ... Саксонинчи йилларда, Шароф Рашидов вафотидан кейин Ўзбекистон осмонида қора булутлар йиғилиб, ноҳуш ҳақмоқлар чака бошлади. Ношууд раҳбарлар туфайли бошланган жисмоний қатағондан ташқари, маънавий таъзиқ ҳам кучайди. «Ўзингдан чиқ...

ЗУЛФИЯ ОПАНИНГ ЗИЁСИ

қан балога қайга борсан давога», деган гап бор. Ташқи душман маълум, у кўриниб туради, аммо ички душман...

Гап шундаки, ўша пайтларда тарих сахнасига бир хотин чиқиб қолди. Бу собиқ ва содиқ комсомол хотин қучли экан. Лавозими ундан баланд, ўзини эркак санаб юрган талай раҳбарларнинг жоловини олиб қўйди. Айтгани айтган, дегани деган бўлиб қолди.

У барчага мафкурадан сабоқ бера бошлади, элнинг олдида мафкуравий «тоғора» қўйди: «сиканга ҳам бир танга, сигманга ҳам бир танга». Унинг «доно»ликлари фашига теккан Зулфия опа ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайдиган ишни қилди: Умрининг қанча йилни бағишлаган, меҳрини, кучини берган, қадрдон «Саодат»ни тарқ этди.

Ўша йилларда яна бир ғалати воқеа содир бўлди: Ҳамид Олимжон билан Зулфиянинг номлари тилга олинмайдиган бўлиб қолди.

Ҳамид Олимжон номини «Бахт куйчиси» дея кино билан тилга оладиганлар ҳам кўпайди. Ҳозир ҳар йили Наврўз байрамимизда «Ўрик гуллаганда» жаранглайди. Қўшиқнинг мана бу сатрлари айнан бугунги кўннинг гапи эмасми:

Мана сенга олам-олам гул, Этагинга сикқанча ол Бунда толе ҳар нарсадан мўл, То ўлгунча шу ўлкада қол

Зулфия опа «отда» эканлиги пайтида унинг этагинга тавоф қиладиганлар кўп эди. Опа «отдан» тушганидан кейин улар секин-секин

ўзларини панага олди. Шоира деярлик ёғизланиб қолди.

Мен «отда»лиги пайтида опанин яқинига боришга унчалик журъат қилмас эдим., «Отдан» тушганидан кейин бир шеър ёзиб, газетага чиқардим.

Мана ўша, Зулфия опанин тилидан ёзилган шеър:

Ардоклаб, юлдуз деб ном бердинг менга, Бахтлиман юлдузинг бўлсам, халқим

Кўкдаги бошимни азиз пойинга Таъзимга минг марта урсам кам, халқим

Булбул бўлгаймиди бўстон бўлмаса, Кема бўлгаймиди уммон бўлмаса, Юлдуз бўлгаймиди осмон бўлмаса, Сен менин осмоним эурсан, халқим

Мен қанча юксакда — сен шунча юксак, Сен қанча юксакда — мен шунча юксак. Биз қанча бир-бирига эт-тироқ бўлсак —

Ғанимлар чеккайдир шунча ғам, халқим

Десанг доим мени чарақлаб турсин, Ўзинг ҳам доимо мусаффо тур сен, Хира булутлардан мосуво тур сен, Бошдан не булутни ўтказган халқим

Само жисмлари турфа-турфадуру: Бири олам узра ёғду таркатур, Бири — нур йўлида, кўндаланг ётур. Ўша жисмлардан дил узсанг, халқим

Эъзозинг муруват дея билсам мен, Халқим, эъзозинга жавоб қилсам мен: Сенин кўннингдаги юлдуз бўлсам мен, Менин кўннингдаги юлдузсан, халқим

Опа умрининг охиригача мугулаа қилишдан, содиқ шогирдларининг ижодини кузатишдан, шеър дoston ёзишдан тўхтамади. Саксон ёшда достон ёзиш осон эмас. Бу ишни удаллаш учун фақатгина Зулфия бўлиш керак эди.

Зулфия опанин гўзал сиймоси бутун халқимизнинг юрагига ўрнашиб қолган.

Президентимиз 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилгани барчани тўлқинлантириб юборган эди. Юртбошимизнинг Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш тўғрисидаги Фармони эса, аёллар йилига яна бир файзу кўк бағишлабгина қолмай, опанин бугунги ҳаётимиздаги ўрнини ҳам яна бир кўрсатиб берди.

Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти...

Буни шарҳлаб ўтиришга ҳожат борми?

Зулфия опанин зиёси барча юракларга кириб борсин, оғир, машаққатли, лекин гўзаллик билан безалган умри барча аёлларимизга ибрат бўлсин.

Машраб БОБОЕВ



Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила. Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ТАЙЁРГА АЙЁРЛИК ЭМАСМИ?

Ишчи-деҳқон, тикувчи ва тўқувчи, ўқитувчи, қурувчи, шифокору дорбозлар сулоалари ҳақида кўп эшитганмиз. Уларни тарбиялаб, воғта етказган меҳнат жамоалари, қолаверса, оила бошлиқлари — ота-оналарга минг бор тасаннолар айтганмиз. Биз меҳнат сулоалари билан фахрланамиз. Улар янада кўпайиб камолга етиши тарафдоримиз.

Халол, пок яшаб, фарзандларини ҳам инсон қадр-қиммати фақат халол меҳнат билан улчанишига ўргатган оила бошлиқлари бизнинг Сарбосиб туманида ҳам кўп.

Яқинда мен Шарғун шаҳар 23-тишт заводи корхонасида бўлдим. Заводида юз қишга яқин ишчи-ҳизматчилар меҳнат қилишар экан. Корхона раҳбари Ҳамроқул Мингбоев махаллий ишчиларга муҳтож эканликларини, лекин билган кўчга тулган йигитлар уларнинг енгил-ёлли савдо-тижорат ишларига ўраётганликларидан қуйиниб, нолиб гапирди.

Сарбосиб ва Шарғун бозорларида сомсапуз-қабобпуз, пиво, сут, сақич, ҳар хил папирос, музқаймоқ, хатто усмаю сурма, қўйинчи хотин-қизларнинг ички кийимларини сотишга ҳам тайёр, ишқилиб енгил даромад меҳнатдан халос дегувчи йигит-келиди. Уларнинг баъзиларини таъниман, Оиласи, ота-онаси турмуш тарзи билан танишман.

Бугун мумай пул топшига ўзини турган дангаса ёшлар осмондан тушганлари йўқ. Улар худди ўзларига ўхшаган ота-оналарнинг фарзандлари, ота-онасининг эгри йул билан толган пулига дангиллама ўй-ўй қуриб, енгил машина сотиб олганини, етти маҳаллага овоза таратиб дангиллама тўй қилиб қўз узапти, ўғил ўйлантирганларнинг гўвоҳи бўлишган. Сархилини еб, қимматбаҳо кийимларнинг бирини ечиб, иккинчисини кийиб яшашга ўрганишган. Тайёрга айёрлик руҳида воғта етиб, суяги қотган ёшнинг меҳнат қилишга буйини ёр берармиди?! Енгил меҳнат қилиб мумай харом пул топшига итиллиш боси мана шундай носоғлом оилавий муҳитдир.

Биномларин, маҳаллалар, шаҳар ва қишлоқ фуқаролари йигинлари, меҳнат жамоаларидаги хотин-қизлар кенгашлари, жамоатчи фаоллар ўз фаолиятларини жонлантиришлари лозим. Ибратли оилаларнинг ҳаёт тажрибасини оммалаштириш маъносидан ижодий кечалар, учрашувлар утказиб туриш керак. Ушбу сулоалар шарафига бағишланганими, қайнона-келини мулоқотига доирми, қизлар давраидаги панду насихатларини, одобли ўғил-қизларни воғта етказган оқила онани шарафлашми — бари эзгуликка хизмат этади. Меҳнаткаш оқил ўғил-қизларни воғта етказган ота-оналар учун маҳалла кўмиталари, меҳнат жамоалари, мактаблар номидан раҳматномалар ёзиб қилиниб, махсус мукофотлар таъсис этилши иш бўларди.

Оила фарзанд воғта етиб, мустақил ҳаёт йўлини танлашишда бетимсол ҳаёт мактабидир. Бу бағри кенг дорилфунунинг инсонга берадиган маърифати, таълим-тарбияси урнини ҳеч бир нарсга тулдирар олмайд.

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ, Сурхондарё вилояти, Сарбосиб тумани, Шарғун шаҳри «Дўстлик» маҳалласи фуқаролари йигини раиси.

ОЛХҲРИ

Олхури шифобахш хусусияти билан қадимдан халқ табибатида қўлланиб келинади. У иштаҳани очади, ичак перистальтикасини уйғунлаштиради, овқатни ҳазм қилдиради, қайнатмаси енгил сурги ҳамда сийдик ҳайдовчи сифатида ишлатилади. Олхури баргининг майда-

ТАБИАТ ШИФОХОНАСИ

лангани ёки қуруқ барглари буғлатилган ҳолда йирингли яра ва жароҳатларга қўйилса, уларнинг тузалишини тезлаштиради.

Олхури қони қамайиб кетган беморларнинг гемоглобинини оширади. Қора олу навли олхури қон босимини тушириш, унинг меваларидаги қалий тузлари организмда мавжуд бўлган ортиқча сув ва ош тузини чиқариб ташлаш хусусиятига эга. Шу боисдан уни буйрак касаллиқларида ҳам тавсия этишади.

Фармацевтларда олхурининг данак магзидан мой олинади. Олхури озиқ-овқат ва консерва сановатида кенг ишлатилади. Унинг мевасидан шарбатлар, мураббо, повидло, қандолат ўзаги, мармеладлар тайёрланади.

(«Шифобахш неъматлар» китобидан).

БЕҲИ ДЎЛМА

10 дона беҳи, 400 г гушт, 50 г гуруч: 1 бош пивз, 1 дона тухум, туз, мурч.

Беҳининг уртасини уйиб, уругини олиб таш-

ПАЗАНДА МАСЛАҲАТИ

лайсиз. Тайёрланган беҳи «қоса»чаларини иссиқ сувга солиб қуясиз. Гушт қиймасига пивз, хом тухум, гуруч, туз, мурч солиб аралаштирасиз. Сунг беҳи ичига қийма тулдрилиб, манти қосқонда буғлаб пишрилади. Пишиш муддати 45—50 минут.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси бир гуруҳ тингловчилари гуруҳдошлари Б. Ҳақимовга онаси Муҳиба ҲАКИМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия илхор этадилар.



ҚАЛБИНИГИЗГА ҚУЛОҚ ТУТИНИГ

сан инсон организмда ҳолестерин (ёғ моддаси) микдоридан ортиб кетиши, қон босимининг мунтазам равишда кўтарилиб туриши (гипертония), тамаки истаёмол қилиш, хисмонан ҳам ҳаракатда бўлиш, семизлик ва бошқалар бош сабабчилардир. Киши авлодида юрак-қон томирлари касаллиқларининг кенг тарқалганлиги ҳам қўшимча омиллар қаторига кириди. Бундан ўттиз йиллар муқаддам юрак-қон томирлари касаллигининг аср вабоси эканлигини ўз вақтида тушуниб етган жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари, чунончи АКШ, Япония, Швеция ва бошқа жойларда юрак-қон томирлари касаллиқларининг олдини олиш юзасидан махсус давлат дастурлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилди бошланди. Бу дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши тамаки чекишга қарши курашиш, гипертония касаллигини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш, жисмоний тарбияни эл орасида омалаштириш, рационал овқатланиш аҳамиятини тарғибот қилиш ва шу каби қўлгина тадбирлар мажмуасини ўз ичига олган. Натияжа ёмон бўлмади. Ҳозирга келиб

зу қилиш мумкин эди, холос. Мустақиллигимизни қўлга киритган биз, кардиологлар учун ҳам дунё эшиклари кенг очилди. Мана, мен шайхан ўзим саккиз йилдан бери Европада кардиологларнинг конгрессларида катнашиб келаман. 1995 йили Голландияда, 1996 йили Англияда, кейинги йили Швеция, бу йил эса Испанияда ана шундай семинар ва анжуманларда катнашиб, илм ўргандик, тажриба алмашдик. Олиб келган билимларимизни, янгиликларни республикамизга бўйлаб тарқатдик. Яна бир нарсга. Мустақиллигимиз туфайли, мамлакатимиз чет элнинг доридармон ишлаб чиқарувчи 20 дан ортиқ фирмалари билан алоқа қилдик. Тошкент, Сурхондарё, Бухоро вилоятларида ҳамкорликда доридармон ишлаб чиқарадиган замонвий корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда кардиология хизматини яхшилашга қўмақлашсади, албатта. — Сухбатимизнинг бош мавзусига қайтсанг: йигирма биринчи асрга қадам қўйган ҳамюртларимизга қандай тилак-истаклар билдирган бўлур эдингиз? — Биринчи тилагим, истагим — юракни асранг. У инсонда битта бўлади... Уни авайланг. Юрак касалликлари — давримизнинг, асримизнинг балоси. Бу балони ушбу XX асрда қолдириб кетиш учун ҳаммамиз ҳамжихатлик билан ҳаракат қилайлик. — Сизнинг номзодингиз 169-Куйичирқик сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депуталигига қўрсатилибди. Мабодо сайловчилар ишонч билдиришиб, бир неча номзод орасидан Сизни танлашса, депутатлик фаолиятингизнинг бош мезонини деб нимани танлаган бўлур эдингиз? — Энг аввало — сайловчиларимнинг ишончини қозонишни. Дунёда ишончдан муқаддасроқ ва қимматлироқ ҳеч нарсга йўқ. Сухбатни Қодиржон СОБИРОВ ёзиб олди.

ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ

Навоий ГРЭСида соатига 100 тонна дистилланган сув ишлаб чиқарадиган йирик ишоот фондаланишига топширилди. Натияжада шарафли йирик санавот корхоналари ва хонадонларига иссиқ сув ва иссиқлик бир метрда етказиб берила бошлади. Айни вақтда корхона раҳбарияти ишчи-хизматчилар турмуш шaroитини яхшилаш маъносида эътибор қаратяпти. Кўни кеча энергетикларнинг 50 оиласи янги уйлارга кўчиб ўтди. Шунинг ҳам айтиш кераки, айрим санавот корхоналари ва ташкилотларнинг ишоудлиги оқибатида ГРЭСга 6 миллиард сумлик электр энергияси, 1 миллиард сумлик иссиқлик энергияси қараи тулганмай келинади. Бунга йўл қўйилмаганида эди ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, маданий-маиший ишларга кўпроқ маблағ ажратиш мумкин бўлур эди. Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири

«ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

Азиз газетхон! Сиз, «Қишлоқ ҳаёти»га обуна бўлдингизми? Йил-ўн икки ой қонадонимга маънавият кириб борсин, нур кириб борсин десангиз, «Қишлоқ ҳаёти» ошно бўлсангиз маданий ҳаёт-ти»га ёзилинг! Газетамиз билан иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-даги кундалик энг муҳим янгиликлардан вақтида хабар топасиз. Дунё воқеаларидан воқиф бўласиз. Ғаройиб ҳодисалар хусусида қизиқарли мақолалар ўқийсиз.

«Қишлоқ ҳаёти» — Сизнинг энг яқин ҳамроҳингиз, суҳбатдошингиз! «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг нашр индекси — 144.



2000 йил учун ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

Boш муҳаррир Ўткир РАҲМАТ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Олим АТАЕВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Равшан БОБОМУХАМЕДОВ (ижодий гуруҳ раҳбари), Эрқул ЗИКРИЕВ, Қомилжон МАМАЖОНОВ, Собир МУРОДОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир уринбосарлари), Маъмуржон ҚИЕМОВ (масъул котиб). МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзмевабазавотузум-саноат-холдинг» компанияси, Агр-саноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси. Телефонлар: Бош муҳаррир уринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, масъул котиб — 136-56-26, ижодий гуруҳлар: агросаноат мажмуи — 133-09-93, ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ, молиявий хизмат — 136-56-30, макроиктисодий — 136-56-25, маънавият-маърифат ва спорт — 136-54-42, хатлар ва вилеят муҳбирлари билан ишлаш — 136-56-30, реклама ва эълонлар — 136-54-44.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзил: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-ўй.

«Қишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.